
ЯНГИ ЙИЛ – МЎЪЖИЗАЛАР БАЙРАМИ

ЮРТИМИЗДА ЯНГИ ЙИЛНИ БАРЧА БИРДЕК, ИНТИҚЛИК БИЛАН КУТАДИ. АЙНИҚСА, БОЛАЛАР УЧУН ЯНГИ ЙИЛ-МЎЪЖИЗАЛАР БАЙРАМИ. БИР-БИРИДАН ҚИЗИҚАРЛИ АРЧА ТОМОШАЛАРИЮ КУТИЛМАГАН СОВҒАЛАР УЛАРНИНГ ҚАЛБИНИ АЖИБ ҲИСЛАРГА ЧУЛҒАЙДИ.

Бугун туман Маданият уйида 6-мактабгача таълим ташкилоти болажонларининг “Янги йил” байрами бўлиб ўтди. Тадбирда болажонлар ўзлари ёд олган Янги йил, Қорбобо, қиш ҳақидаги шеърларни, қўшиғу рақсларини иштирокчиларга намойиш қилди. Турли сахна кўринишлари, эртақ қаҳрамонларининг чиқишларию Қорбобо ва Қорқизнинг ташрифи болажонларни ҳаяжонга солди.

Тадбирга болакайларнинг ота-оналари ва яқинлари ҳам таклиф этилди. Туман ҳокими Беҳзод Ибрагимов ҳам тадбирда қатнашиб, кичкинтойларни Янги йил билан табриклади ҳамда уларга байрам совғаларини тарқатди.

Шунингдек, туман ҳокими ХТБга қарашли 2 -ИДУМда ҳам бўлиб, мактаб ўқувчиларига яратилган шароитлар билан танишди. Туманимизнинг биринчи раҳбари 3-синф ўқувчиларга турли саволлар билан мурожаат қилиб, қониқарли жавоблар олди.

Шундан сўнг туман ҳокими ўқувчиларга Янги йил совғаларини улашди.

Бувайда тумани ҳокимлиги Ахборот хизмати.

2019-12-25 14:56:31